



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 24 сентябрь, № 189 (6624) Шанба

Сайтимиғиз ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 22 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2016 йил 25 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги 632-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 310-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **21-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги йўқотилиши мумкин:

1) шахс чет давлатда ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизмати идораларига, полицияга, адлия идораларига ёки давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа идораларига ишга кирганлиги натижасида;

2) агар чет элда доимий яшовчи шахс уч йил ичида узрли сабабларсиз консуллик ҳисобига турмаган бўлса;

3) агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ёлгонлиги шак-шубҳасиз маълумотлар ёки сохта ҳужжатлар тақдим этиш натижасида олинган бўлса;

4) агар шахс чет давлатнинг фуқаролигини олган бўлса. Чет давлатнинг фуқаролигини қабул қилган шахс ушбу факт ҳақида ўттиз кун ичида Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар идораларига ёки чет элдаги консуллик муассасаларига хабар бериши шарт;

2) **26-модда** қуйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Чет эл фуқароси бўлган, ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатиб ўтилган шахслар томонидан фарзандликка олинаётган бола бошқа давлат фуқаролигидан чиққан тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги 746-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257-II-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; 2008 йил, № 9, 487-модда; № 12, 636-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **10-модданинг иккинчи қисмидаги** «Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти» деган сўзлар «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **18-модданинг номи ва биринчи қисмидаги** «Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **28-модда биринчи қисмининг саккизинчи хатбошиси** «қамоққа сақлаш» деган сўзлардан кейин «ёки уй қамоғи» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **43-модда:** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Алоҳида ҳолларда, прокуратура органларига хизматга ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида олий маълумотга эга бўлган мутахассислар қабул қилиниши мумкин»;

иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари тегишинча **унинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

5) **50-модданинг биринчи қисми** «кўп йиллик хизмат учун тўланадиган устама ҳақлардан» деган сўзлардан кейин «ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги 818-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган 524-II-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 138-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 12, 465-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; № 12, 452-модда) **20-моддасининг саккизинчи қисмидаги** «ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»да» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

(Давоми 2, 3, 4-бетларда).

ВАТАННИ ШАРАФЛАШ САОДАТИ

Ўзбекистон миллий олимпия қўмитасида жорий йилнинг 7 — 18 сентябрь кунлари Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинларида юқори натижаларга эришган спортчи ҳамда мураббийлардан бир гуруҳига Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширишга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов, маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари М. Алиев, миллий олимпия қўмитаси раиси М. Усмонов ҳамда бошқалар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларнинг ўз ақл-заковати, истеъдодини тўла намоён этиши, маҳоратини мутасил ошириб бориши, юксак маънавиятли, барқамол авлод бўлиб вояга етишига қаратилган эътибор ва ғамхўрлик самарасида халқро майдонларда Ватанимиз шон-шухратини улуглашга қодир ўғил-қизлар етишиб чиқаётганини алоҳида таъкидлади.

Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз эришган юксак ғалабалар халқимизга чекисиз гурур-ифтихор бағишлади. Ўзбекистон спортчилари мазкур нуфузли мусобақада 8 олтин, 6 кумуш ҳамда 17 бронза медални кўлга киритиб, Ватанимиз обрў-эътиборининг халқро майдонларда янада юксалишига муносиб ҳисса қўшди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш. Мирзиёевнинг 2016 йил 22 сентябрдаги Фармонида мувофиқ, мустақиллик йилларида мамлакатимизда спорт соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ва яратилган қулай шарт-шароитлар натижасида спортчиларимиз томонидан улкан ютуқлар кўлга киритилаётганлиги, айниқса, Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари жасорат ҳамда матонат намунасини кўрсатиб, юксак натижаларга эришганлиги ва дунёнинг энг кучли давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаганлиги ҳамда Ватанимизнинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшганлиги, юртимизда спортни кенг



оммалаштириш, ёш авлодни миллий гурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларидаги катта хизматлари учун спортчи ҳамда мураббийлардан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан энгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма

жамоаси аъзолари — Ўзбекистон ифтихори фахрий унвони соҳиби Ҳ. Норбеков, Ўзбекистон Республикасида қабул қўрилган спортчи фахрий унвони соҳибаси С. Бурхонова, сузми бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, «Жасорат» медали соҳибаси Ш. Тошпўлатова, энгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоа-

си бош мураббийи, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони соҳиби С. Абдуҳолиқов давлатимизнинг ёшларга қаратаётган юксак эътибор ҳамда ғамхўрлиги учун миннатдорлик билдирди.

(Давоми 4-бетда).

Саломатлик рейтингига Ўзбекистон МДХ мамлакатлари ўртасида биринчи ўринни эгаллади

Нуфузли «The Lancet» тиббиёт журнали томонидан таъбат, ҳаёт ва саломатлик билан боғлиқ барқарор ривожланишнинг кўрсаткичлари бўйича дунё мамлакатлари рейтингини эълон қилинди. Унга биноан, жаҳондаги 188 давлат ўртасида Ўзбекистон 55-ўринни эгаллади. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида энг яхши кўрсаткичдир.

ЭЪТИРОФ

Юқори натижани кўлга киритган дастлабки бешталик давлатлар рўйхатидан Исландия, Сингапур, Швеция, Андорра ҳамда Буюк Британия жой олди. МДХ мамлакатлари орасида Ўзбекистондан кейинги ўринларга Туркменистон (60), Озарбайжон (75), Молдова (80), Қозғоғистон (86), Арманистон (86), Тожикистон (99), Қирғизистон (113), Украина (118), Россия (119) ва Беларусь (120) муносиб топилган.

Рейтинг нолдан (энг ёмон кўрсаткич) юзгача (энг яхши кўрсаткич) бўлган муносада 33 кўрсаткич бўйича умумлаштирилган баҳо-лар ҳисобга олинган ҳолда тузилган. Мамлакатлар ўринларини белгилашда назарда тутилган мезонлар орасида болалар ҳамда чақалоқлар ўлими, йўл-транспорт ҳодисаларидаги ўлим,

болалардаги ортиқча вазн, алкоголь ва тамаки истеъмоли даражаси, одам имунитети танқислиги вируси (ВИЧ), сил ва В гепатити билан касалланиш, ўз жонига қасд қилиш кўрсаткичлари мавжуд. Бундан ташқари, экспертлар зўравонлик ҳаракатлари ҳамда урушлардаги ўлим ҳолатларини ҳам ҳисобга олишган. Ҳар бир мезон бўйича ҳисоблар 1990 — 2015 йиллар оралиғидаги вазиятларнинг таҳлили асосида чиқарилди.

Масалан, «Доғлар иштирокидаги туғуруқлар» мезони бўйича Ўзбекистон максимал даражадаги баҳони, «Касалликлар тиббий профилактикаси даражаси» бўйича — 93, «Хаво ифлосланиши тўғрисида касаллик-ка чалиниш» мезони бўйича — 89, «Оилани режалаштириш ва репродуктив ёш

бўйича — 84, «Чекиш» ҳамда «Ичишга яроқсиз сув истеъмоли билан боғлиқ касалликлар» мезони бўйича 81 балл тўплади.

«The Lancet» ушбу рейтингни тузишда 2015 йилнинг сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясида қабул қилинган Барқарор ривожланиш мақсадларига асосланган. Улар 17 та глобал мақсадни (қашшоқликни бартараф этиш, очликка барҳам бериш, таълим олиш имкониятини таъминлаш ва ҳоказо), 169 та вазифа ҳамда 230 та аниқ мақсадга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни ўз ичига олган. БМТ режиси бўйича 15 йил мобайнида Барқарор ривожланиш мақсадларига эришилмоғи лозим.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини модернизациялаш бўйича босқинча-мосқинча диққатга молик ишлар амалга оширилмоқда. Давлат дастурларида назарда тутилган вазифаларнинг изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилиши натижасида тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базаси мустахкамланди, даволашнинг энг илгор услублари кенг қўлланилмоқда, аҳолига биринчи даволаш-профилактика ёрдами кўрсатилишининг замона-

вий тизими яратилган. Аҳолига шошилинч ва махсус тиббий ёрдам кўсатиш тизими изчиллик билан такомиллаштирилмоқда.

Шулар билан бир қаторда, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган тизимлари, жумладан, Аҳолишунослик барқарорлиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш тизими самарадорлигини юксалтириш, оналар ҳамда болалар саломатлигини муҳофаза этиш, атроф-муҳитни асраш, фавқулодда вазиятларда кўмак кўрсатиш сингари соҳаларда фаол ҳамкорлик қилаётган. ЮНИСЕФ билан ўзаро ҳамкорликда болалар саломатлигини мустахкамлашга йўналтирилган кўп сонли тадбирлар, жумладан, болалар ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олиш, уларни эмлаш, мактабларда ва мактабгача тарбия муассасаларида тиббий маданиятни ошириш, санитария-гигиена меъёрларига риоя этилишини таъминлаш, соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш тадбирлари ўтказилапти.

(Давоми 4-бетда).

Ички ишлар органлари мақомининг ҳуқуқий кафолати ва қонунийлик

Жорий йилнинг 17 сентябрида ички ишлар органларининг мақомини, биринчи навбатда, қонун устуворлигини, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича улар фаолиятининг шакллари ҳамда усулларини аниқ белгилаб беришга қаратилган «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинди.

ЯНГИ ҚОНУНЛАР

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали

маросимдаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларни ижро этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайёрланиб, парламентнинг қуйи палатасига киритилган эди.

МАҚОМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ ВА ҚОНУНИЙЛИК

Мустақиллигимизнинг ўтган даври мобайнида қонун устуворлиги конституций принципини таъминлаш ва амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда кенг қўламли ислохотлар олиб борилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, шу жумладан, ички ишлар органлари самарали фаолият кўрсатапти. Ушбу кенг қўламли ишларнинг натижаларини барчамиз тинчлик, осудалик ҳамда фаровонлик ҳукм сураётган ҳаётимизда яққол кўриб турибмиз. Ўзбекистоннинг бу борадаги эришган ютуқларини бугун бугун жаҳон эътироф этмоқда.

(Давоми 4-бетда).

САЙЛОВ — 2016

Жорий йилнинг 23 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Сиёсий партияларга сайловда иштирок этиш учун ижозат берилди

Комиссия Раиси М. Абдусаломов бошқарган мажлисда сиёсий партиялар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси 2016 йилги Президент сайловига иштирок этиш учун сиёсий партияларнинг тақдим қилинган аризалари ҳамда бошқа ҳужжатларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон «Миллий тинчлик» демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясига сайловда иштирок этишга ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияларнинг ваколатли вакилларига рўйхатга олинганлик гувоҳномаларини ҳамда белги-ланган намунадаги имзо варақаларининг бланкаларини берди.

Мажлисда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказуви оқруқ сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди.

Комиссия аъзолари сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар. Барча масала бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу куннинг ўзига мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампаниясининг боришига бағишланган брифинг ўтказилди.

Тадбирда сайловга тайёргарлик ишлари қонунчилик талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Асосий тадбирлар дастури асосида изчил олиб борилаётгани қайд этилди.

Бугунги кунда сайлов кампанияси қизгин паллага кириб бормоқда. Хусусан, сайловда иштирок этувчи партиялар аниқланди, уларга имзо варақалари бланкалари берилди. Сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўлаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида тўплашга ҳақли.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга киритилган сўнгги ўзгаришларга мувофиқ, сиёсий партия томонидан тақдим этилган имзо варақалари Ўзбекистон Республикаси ҳамда сайловчилар умумий сонининг 5 фоизидан 1 фоизигача камайтирилди. Бу 214 минг 350 нафар сайловчи имзосини ташкил қилади.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

- 46-модданинг учинчи қисмидаги** «ёш боласини боқиш учун таътилда бўлган аёлларга» деган сўзлар «уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 50-модда еттинчи қисмининг «в» банди** «ўтаб чиқиб» деган сўзлардан кейин «ёки ўтаётган чоғида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;
- 66¹-модданинг биринчи қисми** «140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (ҳақорат қилиш)» деган сўзлардан кейин «141¹-моддасининг биринчи қисмида (шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;
- куйидаги мазмундаги **141¹-модда** билан тўлдирилсин:

«141¹-модда. Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш

Шахсининг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамок билан жазоланади.
Уша ҳаракатлар:
а) оғир оқибатларга олиб келган бўлса;
б) гаразли ниятларда содир этилган бўлса;
— энг кам ойлик иш ҳақининг ўч бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

5) 144-модда биринчи қисмининг диспозицияси «таъминламаганлик ёки» деган сўзлардан кейин «муржаот муносабати билан маълум бўлиб қолган» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) 157-модда биринчи қисми диспозициясининг ўзбекча матни куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлатга хоинлик қилиш, яъни Ўзбекистон Республикасининг фуқароси томонидан жосулик, чет эл давлатига, чет эл ташкилотига ёки уларнинг вакилларига давлат сирларини етказиш ёхуд Ўзбекистон Республикасига қарши душманлик фаолияти олиб боришда бошқача ёрдам кўрсатиш йўли билан Ўзбекистон Республикасининг суверенитетига, ҳудудий дахлсизлигига, ҳавфсизлигига, мудофаа салоҳиятига, иқтисодийётига зарар етказишга қаратилган қасддан содир этилган қилмиш»;

7) куйидаги мазмундаги **188¹-модда** билан тўлдирилсин:

«188¹-модда. Пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолият

Мулкий манфаат бериш бўйича зиммага мажбурият олиш йўли билан жимсоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолиятни амалга ошириш ва бунда илгари олинган мажбуриятни жимсоний ва юридик шахсларнинг янги жалб этилган пул маблағлари ва (ёки) бошқа мол-мулки ҳисобидан бажариш, шунингдек бундай фаолиятга раҳбарлик қилиш ҳамда шундай фаолият кўрсатилишини таъминлаш, худди шунингдек мазкур фаолиятда иштирок этишга жалб қилиш мақсадида ушбу фаолиятни реклама қилиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда реклама қилиш —

энг кам ойлик иш ҳақининг ўч бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Мулкий манфаат бериш бўйича зиммага мажбурият олиш йўли билан жимсоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолиятни амалга ошириш ва бунда илгари олинган мажбуриятни жимсоний ва юридик шахсларнинг янги жалб этилган пул маблағлари ва (ёки) бошқа мол-мулки ҳисобидан бажариш, шунингдек бундай фаолиятга раҳбарлик қилиш ва шундай фаолият кўрсатилишини таъминлаш:

- кўп миқдорда;
- такордан ёки хавфли рецидивист томонидан;
- бир гуруҳ шахслар томонидан олиндинан тил бириктириб;
- оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.
- Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар:
 - жуда кўп миқдорда;
 - ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —
етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;
8) куйидаги мазмундаги **259¹-модда** билан тўлдирилсин:

«259¹-модда. Ўта муҳим ва тоифаланган объектларнинг кўрикланишини таъминлашга доир мажбуриятларни бажармаслик

Ўта муҳим ва тоифаланган объектларнинг кўрикланишини таъминлашга доир мажбуриятларни корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг уларни бажаришга масъул бўлган мансабдор шахслари томонидан бажарилмаслиги, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуққдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

- 137-модда иккинчи қисмининг иккинчи жумласи** чиқариб ташлансин;
- 223-модданинг матни** «Депутатлар» деган сўздан кейин «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;
- 238-модданинг матнидаги** «суриштирувчи» деган сўз чиқариб ташлансин;
- 240-модданинг биринчи қисмидаги** «суриштирувчи» деган сўз чиқариб ташлансин;
- 249-модданинг: иккинчи қисмидаги** «суриштирувчи» деган сўз чиқариб ташлансин;
- учинчи қисмидаги** «суриштирувчи» деган сўз чиқариб ташлансин;
- 250-модданинг биринчи қисмидаги** «суриштирув-чига», «суриштирувчи» ва «суриштирувчининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
- 251-модданинг иккинчи қисмидаги** «суриштирувчи» деган сўз чиқариб ташлансин;
- 252-модданинг: иккинчи қисмидаги** «суриштирувчи» деган сўз чиқариб ташлансин;
- учинчи қисмидаги** «суриштирувчи» деган сўз чиқариб ташлансин;
- 254-модданинг: биринчи қисмидаги** «суриштирувчи» деган сўз чиқариб ташлансин;
- учинчи қисмидаги** «суриштирувчи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
- 10) 325-модданинг биринчи қисми** «140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлардан кейин «141¹-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;
- 11) 342-модда иккинчи қисмининг 2-банди** «қамоққа олиш» деган сўзлардан кейин «ёхуд уй қамоғи» деган сўзлар билан тўлдирилсин;
- 12) 345-модданинг олтинчи қисмидаги** «244³-модда-ларида» деган сўзлар «244³, 259¹-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 20ф05 № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда) куйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

- 46-модданинг диспозицияси** «башарти ушбу

Кодекснинг 46¹-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлмаса» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) куйидаги мазмундаги **46¹-модда** билан тўлдирилсин:

«46¹-модда. Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш

Шахсининг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатиш, — энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) 125-модда: биринчи қисмининг дисозицияси «мотоцикл» деган сўздан кейин «ва мопедлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иқкинчи қисмининг диспозицияси «носозлиги бўлган» деган сўзлардан кейин «ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фавулодда вазиятда ойнани синдириш учун фойдаланиладиган болчага билан ҳиқозланмаган, ўт ўчиргич, тиббиёт кутчаси, авария ҳолатида тўхтаганлигини билдирувчи белги ва нур қайтаргичли камзул билан бутланмаган» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

саккизинчи қисми «125» рақамидан кейин «(мопедлардан ташқари)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) 128-модда биринчи қисмининг диспозициясидаги

«сутканинг қоронғи вақтида ёки кўриш чекланган шароитларда ёритиш асбобларидан» деган сўзлар «ташқи ёритиш асбобларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 138-модда: биринчи қисмининг диспозицияси «кесиб ўтиши» деган сўзлардан кейин «пиёдалар йўлнинг қатнов қисмида, шу жумладан пиёдалар ўтиш жойида ҳаракатланаётганда телефондан фойдаланиши, китобларни ёки даврий нашрларни ўқиши, видеоматериаларни томоша қилиши ҳамда аудиоматериалларни эшитиши, шунингдек эътиборни чалғитадиган бошқа электрон воситалардан фойдаланиши» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

куйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Транспорт воситаси ҳаракатланаётган вақтда йўловчи томонидан тана қисмларини (қўлдан ташқари) салондан чиқарishi, —

энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;
тўртинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин;

6) куйидаги мазмундаги **210¹-модда** билан тўлдирилсин:

«210¹-модда. Ўта муҳим ва тоифаланган объектларга кириш-чиқиш режимини бузиш ёки ушбу объектларнинг кўрикланишини таъминлашга доир мажбуриятларни бажармаслик

Ўта муҳим ва тоифаланган объектларга кириш-чиқиш режимини бузиш, яъни тегишли рухсатномасиз ўта муҳим ва тоифаланган объектларга шахсининг ўзбошимчалик билан кириши, ушбу объектларда транспорт воситаларининг ҳаракатланиши ёки мол-мулкнинг жойини ўзгартириш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўта муҳим ва тоифаланган объектларнинг кўрикланишини таъминлашга доир мажбуриятларни корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг уларни бажаришга масъул бўлган мансабдор шахслари томонидан бажарилмаслиги, — энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

7) куйидаги мазмундаги **215⁴-модда** билан тўлдирилсин:

«215⁴-модда. Архив иши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Архив ҳужжатларини топширишининг, сақлашнинг, улардан фойдаланишининг, худди шунингдек архивлар ва идоравий архивлар томонидан хизматлар кўрсатишининг белгиланган тартибини бузиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахслар ва хизматчиларга эса — икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахслар ва хизматчиларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;
8) 245-модданинг биринчи қисми «46», «210» ва «215²» рақамларидан кейин тегишчана «46¹», «210¹» ва «215⁴» рақамлари билан тўлдирилсин;

9) 248-модда иккинчи қисмининг 6 ва 7-бандлари-даги «138-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар «138-моддасининг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 287-модданинг 3-банди «198-моддаларида» деган сўзлардан кейин «210¹-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

11) 291-модданинг биринчи қисми куйидаги мазмундаги **«ж» банд** билан тўлдирилсин:

«ж) ушбу Кодекс 210¹-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда — харбийлаштирилган соқчиликнинг мансабдор шахслари томонидан».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган **«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғриси-да»**ги 223–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ўРҚ–370-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 128-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда) куйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 10-модда:

куйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жамият устави фондидаги (устав капиталидаги) улushi

камидда 15 фозици ташкил этиши лозим бўлган чет эллик инвесторлар иштирокида ташкил қилинади, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно»;

бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлари тегишичча **олтинчи, еттинчи ва саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) **26-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси-даги** «депозитарийдаги» деган сўз чиқариб ташлансин;

3) **29-модданинг биринчи қисмидаги** «депозитарий томонидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **42-модда: иккинчи қисмидаги** «депозитарийлардаги» деган сўз чиқариб ташлансин;

олтинчи қисмининг:

биринчи хатбошисидаги «депозитарийлар» деган сўз «Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «депозитарийларнинг» деган сўз «Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачисининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Акциядор ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида унинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатув

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

◄ (Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда; 2009 йил, № 9, 328-модда; 2010 йил, № 9, 334, 335-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **161¹-модда** билан тўлдирилсин:

«**161¹-модда.**
Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб, бошқа давлат ҳудудида доимий яшаётган болани Ўзбекистон Республикаси фуқарolari томонидан фарзандликка олиш мазкур бола доимий яшаётган давлатнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, фарзандликка олинаётган бола етим ва фарзандлик олувчиларнинг (олувчининг) ақин қариндоши бўлган ёки ўз ватанида турли сабабларга кўра фарзандликка олиниши мумкин бўлмаган ҳолларда амалга оширилади.

Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб, бошқа давлат ҳудудида доимий яшаётган болани Ўзбекистон Республикаси фуқарolari томонидан фарзандликка олишда фарзандликка олинаётган боланинг Ўзбекистон Республикасига кириши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаиш учун Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг рухсатномаси талаб қилинади»;

2) **237-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўйдирилсин:

«Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб, бошқа давлат ҳудудида доимий яшаётган болани Ўзбекистон Республикаси фуқарolari томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида чет давлатнинг ваколатли органи амалга оширган фарзандликка олиш, башарти ушбу Кодекснинг 152, 157 ва 161¹-моддалари талабларига риоя этилган тақдирда, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади».

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»**ги 721–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 12-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 641-модда) **6-моддасининг тўртинчи қисми** «Қамоққа олиш» деган сўзлардан кейин «ёки уй қамоғи» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган **«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»**ги 160–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрда қабул қилинган ўРҚ–342-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикaси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 333-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда) **29-моддасининг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси», «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонулари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармоишлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

«Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами», «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўлами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўлами», Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, шунингдек вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг расмий нашрлари вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий нашрлари мазкур органларнинг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир».

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган **«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»**ги 258–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9–10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **48²-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«**48²-модда.**
Ундирувчи Қимматли Қоғозлар Марказий Депозитарийсининг, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ва улар миջозларининг пул маблағларига ҳамда қимматли қоғозларига қаратиш хусусиятлари

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг қарзлари бўйича ундирув улар миջозларининг Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси томонидан кредит ташкилотида очилган ҳисобварағидаги пул маблағларига қаратилиши мумкин эмас.

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли

қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг қарзлари бўйича ундирув улар миջозларининг тегишли реестр юриштиш тизимидаги шахсий ҳисобварақларида ҳамда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси томонидан очилган депо ҳисобварақларида сақланаётган қимматли қоғозларига қаратилиши мумкин эмас»;

2) **53¹-модданин**г:

учинчи қисми «чиқарилган сана» деган сўзлардан кейин «(акциялар бундан мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

тўртинчи қисмидаги «бундай қимматли қоғозларни ҳуқуқларни ҳисобга олиш учун бошқа депозитарийга топшириш» деган сўзлар «бундай қимматли қоғозлар ўтказмаларини амалга ошириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **54-модданин**г **бешинчи қисмида**ги «депозитарийга» деган сўз «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига ёхуд инвестиция воситачисига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **55-модданин**г **биринчи қисмида**ги «Депозитарийга» деган сўз «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига ёки инвестиция воситачисига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»**ги 432–II-сонли Конституциявий Қонунинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 213-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда) **18-моддасига** қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **4¹-банд** билан тўлдирилсин:

«4¹) Сенат мажлисида ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш масалаларини кўйди»;

8-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«8) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга риоя этилиши, Сенат ва унинг Кенгаши, Сенат кўмиталари қарорларининг бажарилиши тўғрисидаги ахборотини эшитади»;

қуйидаги мазмундаги **9** ва **10-бандлар** билан тўлдирилсин:

«9) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонунларнинг, Сенат қарорларининг ижро этилиши ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини вақти-вақти билан жойларга чиқиб ўрганади;

10) янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонун ости ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга оширади»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Сенат кўмиталари қонунларга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин».

15-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»**ги 434–II-сонли Конституциявий Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 215-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда) **18-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг тақлифига кўра жойларда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши масалаларини ўрганади»;

олтинчи — ўн биринчи хатбошилари тегишинча **еттинчи — ўн иккинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

ўн иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга риоя этилиши, Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши, Қонунчилик палатаси кўмиталари қарорларининг бажарилиши тўғрисидаги ахборотини эшитади»; қуйидаги мазмундаги **ўн учинчи** ва **ўн тўртинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин: «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонунларнинг, Қонунчилик палатаси қарорларининг ижро этилиши ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини вақти-вақти билан жойларга чиқиб ўрганади;

янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонун ости ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга оширади»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Қонунчилик палатаси кўмиталари қонунларга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин».

16-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган **«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»**ги 436–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 217-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 262-модда; 2008 йил, № 9, 481-модда, № 12, 630-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда) **7-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ҳарбий хизматни ўташ муддатлари ва асосий шартлари контрактда белгиланади. Бунда ҳақиқий ҳарбий хизматта контракт бўйича қираётган шахслар билан дастлабки контракт беш йилга тузилади; контракт бўйича ҳарбий хизматчилар (резервдаги ҳарбий хизматга мажбурлар) билан янги контракт беш йилга ёки агар ҳарбий хизматда бўлиш ёшининг чегарасига етишига беш йилдан кам қолган бўлса, камроқ мuddатга тузилади».

17-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»**ги 522–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **20-модда:** **иккинчи қисми** «фракцияларга (депутатлар гуруҳларига)» деган сўзлардан кейин «Қонунчилик палатасининг кўмиталарига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Давлат бюджети лойиҳасини дастлабки тарзда муҳокама қилиш чоғида фракциялар (депутатлар гуруҳлари) ва Қонунчилик палатасининг кўмиталари Давлат бюджети лойиҳаси параметрлари билан боғлиқ қўшимча ахборотни тегишли органлардан талаб қилиб олиши мумкин»;

учинчи — ўинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи — ўн биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

тўртинчи қисми «фракциялар (депутатлар гуруҳлари)» деган сўзлардан кейин «Қонунчилик палатасининг кўмиталари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Қонунчилик палатаси Давлат бюджети лойиҳасини, қоида тарихасида, уч ўқишда кўриб чиқади»;

бешинчи — ўн биринчи қисмлари тегишинча **олтинчи — ўн иккинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

еттинчи қисми «фракцияларнинг (депутатлар гуруҳларининг)» деган сўзлардан кейин «Қонунчилик палатаси кўмиталарининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин; **саккинчи ва та тўққизинчи қисмлари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фракцияларнинг (депутатлар гуруҳларининг), Қонунчилик палатаси кўмиталарининг Давлат бюджети лойиҳаси бўйича фикрлари ва тақлифлари Қонунчилик палатасининг мажлисида мажбурий равишда ҳамда ҳар томонлама муҳокама қилиниши лозим.

Давлат бюджети лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилаётганда у фракцияларнинг (депутатлар гуруҳларининг), Қонунчилик палатаси кўмиталарининг келиб тушган мулоҳазалари ва тақлифларини инобатга олган ҳолда маромига етказиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилиши мумкин»;

2) **26¹-модданин**г **матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва навбатдаги йил учун назарда тутилган асосий устуворликлар тўғрисидаги ҳар йилги маърузаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан Қонунчилик палатасига тақдим этилади.

Фракциялар, депутатлар гуруҳлари, Қонунчилик палатасининг кўмиталари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йилги маърузасини дастлабки тарзда кўриб чиқади ҳамда фикрлар ва тақлифларни ишлаб чиқади, фикрлар ва тақлифлар Қонунчилик палатасининг мажлисида мажбурий равишда ҳамда ҳар томонлама муҳокама қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш яқунлари бўйича Қонунчилик палатаси қарор қабул қилади, унда ҳукуматнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим масалаларини ҳал этишга доир фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тақлифлар бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш яқунлари бўйича қабул қилинган Қонунчилик палатасининг қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади»;

3) **31-модда:**

иккинчи қисмидаги «масъул кўмитанинг хулосаси, фракцияларнинг (депутатлар гуруҳларининг) фикрлари ва тақлифлари» деган сўзлар «фракцияларнинг (депутатлар гуруҳларининг) фикрлари ва тақлифлари, масъул кўмитанинг хулосаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги масалани дастлабки тарзда муҳокама қилиш давомида фракциялар (депутатлар гуруҳлари) ва Қонунчилик палатасининг кўмиталари Давлат бюджетининг даромад қисми ижроси хусусида, ажратилган маблағларнинг ўлаштирилиш ҳолати тўғрисида тегишли органлардан қўшимча ахборотни, шунингдек уларнинг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши ҳақидаги маълумотларни талаб қилиб олиши мумкин. Бунда фракциялар (депутатлар гуруҳлари) жойларда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши масалаларини Қонунчилик палатасининг тегишли кўмиталари томонидан ўрганиш ташаббуси билан чиқishi мумкин»;

бешинчи қисми олтинчи қисм деб ҳисоблансин;

4) **33-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи, тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Фракциялар (депутатлар гуруҳлари), Қонунчилик палатасининг кўмиталари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботини дастлабки тарзда кўриб чиқади ҳамда фикрлар ва тақлифларни ишлаб чиқади, фикрлар ва тақлифлар Қонунчилик палатасининг мажлисида мажбурий равишда ҳамда ҳар томонлама муҳокама қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботини эшитиш яқунлари бўйича Қонунчилик палатаси қарор қабул қилади, унда ҳукуматнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарб масалаларига доир фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тақлифлар бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботини эшитиш яқунлари бўйича қабул қилинган Қонунчилик палатасининг қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади»;

5) **33¹-модда:**

учинчи қисмидаги «Қонунчилик палатасининг қарори қабул қилинади» деган сўзлар «Қонунчилик палатаси қарор қабул қилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисми қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Ҳукумат аъзоларининг ахборотини эшитиш яқунлари бўйича Қонунчилик палатаси қарор қабул қилади, унда ҳукумат аъзоларининг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тақлифлар бўлиши, шунингдек уларнинг ишига баҳо берилиши мумкин.

Ҳукумат аъзоларининг ахборотини эшитиш яқунлари бўйича қабул қилинган Қонунчилик палатасининг қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади»;

6) **33¹-модданин**г:

учинчи қисмидаги «ўз мажлисида» деган сўзлар «ўз мажлисларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи ва **бешинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи — еттинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш яқунлари бўйича Қонунчилик палатасининг кўмиталари қарорлар қабул қилади, қарорлар тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органига юборилади.

Қонунчилик палатасининг кўмиталари ўз иш режаларига мувофиқ қонунларнинг, Қонунчилик палатаси қарорларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ижро этилиши ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини вақти-вақти билан жойларга чиқиб ўрганади.

Қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш яқунлари бўйича Қонунчилик палатасининг кўмиталари ўз мажлисларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиши, шунингдек ўрганиш натижаларини Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиши мумкин.

Қонунчилик палатасининг кўмиталари янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонун ости ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга оширади. Мониторингни амалга ошириш яқунлари Қонунчилик палатаси кўмиталарининг мажлисларида кўриб чиқилиши мумкин»;

7) қуйидаги мазмундаги **33⁵-модда** билан тўлдирилсин:

«33⁵-модда.
Парламент текшируви

Жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига даҳл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўшма қарори билан парламент текширувлари ўтказилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси ва Сенат парламент текши

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2, 3-бетларда).

32²-модда. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботини эшитиш

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Сенатга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилган ҳар йилги ҳисоботи Сенатнинг навбатдаги мажлисида қўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботи дастлабки тарзда Сенатнинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан қўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботини эшитиш яқунлари бўйича Сенат қарор қабул қилади, қарор Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига юборилади.

32³-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботини эшитиш

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Сенатга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилган ҳар йилги ҳисоботи Сенатнинг навбатдаги мажлисида қўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботи дастлабки тарзда Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан қўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботини эшитиш яқунлари бўйича Сенат қарор қабул қилади, қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий банкга юборилади;

4) 32², 32³ ва 32⁴-моддалар тегишinchа 32⁴, 32⁵ ва 32⁶-моддалар деб ҳисоблансин;

5) 32⁶-модданинг: **учинчи қисмида:** «ўз мажлисида» деган сўзлар «ўз мажлисида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи ва бешинчи қисмлари қуйидаги мазмундаги **тўртинчи — еттинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш яқунлари бўйича Сенатнинг қўмиталари қарорлар қабул қилади, қарорлар тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органига юборилади.

Сенатнинг қўмиталари ўз иш режаларига мувофиқ қонунларнинг, Сенат қарорларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ижро этилиши ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини вақти-вақти билан жойларга чиқиб ўрғанади.

Қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрғаниш яқунлари бўйича Сенатнинг қўмиталари ўз мажлисларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиши,

шунингдек ўрганиш натижаларини Сенат қўриб чиқиши учун киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиши мумкин.

Сенатнинг қўмиталари янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонун ости ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга оширади. Мониторингни амалга ошириш яқунлари Сенат қўмиталарининг мажлисларида қўриб чиқиши мумкин»;

6) қуйидаги мазмундаги **32⁷** ва **32⁸-моддалар** билан тўлдирилсин:

«32⁷-модда. Парламент текшируви

Жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма қарори билан парламент текшируви ўтказилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси ва Сенат парламент текширувини ўтказиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан комиссия тузади.

Комиссия парламент текширувини ўтказишда қуйидагиларга ҳақли:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг вакиллари, мутахассислар, экспертлар ва олимларни комиссия ишига жалб этиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан, бошқа ташкилотлардан, шунингдек фуқаролардан зарур маълумотларни сўраб олиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларини, шунингдек фуқароларни тўшунтиришлар бериш учун тақлиф этиш.

Комиссия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Комиссия бажарилган иш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан белгиланган муддатда уларни хабардор қилади.

32⁸-модда. Прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш

Прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, мамлакатда қонун устуворлиги ва қонунийлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича улар ишнинг самардорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси тузилади.

Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма қарори билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳар йили

Сенатга ҳисобот тақдим этади, ҳисобот Сенатнинг навбатдаги мажлисида қўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботи дастлабки тарзда Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси билан биргаликда қўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботини эшитиш яқунлари бўйича Сенат қарор қабул қилади, қарор Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юборилади».

19-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган УРҚ-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 4, 125-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **329-модда** қуйидаги мазмундаги **40-банд** билан тўлдирилсин:

«40) хорижий инвестициялар иштирокидаги акциядорлик жамиятлари — уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъволар юзасидан»;

2) **330-модда** қуйидаги мазмундаги **32-банд** билан тўлдирилсин:

«32) хорижий инвестициялар иштирокидаги акциядорлик жамиятлари — уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъволар юзасидан»;

3) **377-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбоши** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Юридик шахсларнинг устав фондида (устав капиталида) хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 33 фоиз, акциядорлик жамиятлари учун эса камида 15 фоиз бўлганда».

20-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнда қабул қилинган «Суд экспертизаси тўғрисида»ги УРҚ-249-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 6, 230-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **4-бобнинг номи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4-боб. Суд-экспертлик фаолиятини молиялаштириш, ташкилий, илмий-услубий ва ахборот билан таъминлаш. Суд экспертларининг малакасани ва ҳуқуқий билимларини ошириш»;

2) қуйидаги мазмундаги **27¹-модда** билан тўлдирилсин:

«27¹-модда. Суд экспертларининг малакасани ва ҳуқуқий билимларини ошириш

Суд экспертлари ҳар икки йилда малака ошириш курсларида муайян суд-экспертлик фаолияти бўйича малакасани, шунингдек ҳуқуқий билимларини ошириб бориши шарт.

Суд экспертларининг малакасани ва ҳуқуқий билимларини ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Малака ва ҳуқуқий билимларини оширишни ўтаётган суд экспертларига ўқишнинг бутун даври мобайнида асосий иш жойи бўйича эгаллаб турган лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади».

21-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 14 сентябрда қабул қилинган УРҚ-296-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тошфаларининг рўйхати** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 9, 249-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда) **изоҳи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Изоҳ: мазкур Рўйхатнинг 2 (хотини ёки эри, ўз оиласига эга бўлмаган вояга етган болалар ҳамда эр-хотиннинг биргаликдаги ва (ёки) илгариги никоҳидан туғилган ёхуд никоҳсиз туғилган вояга етмаган болалар, шунингдек фарзандликка олинган болалар бундан мустасно), 3, 5, 9 — 12-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқароларнинг қариндошлари Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинмайди».

22-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳуқуқат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқиши ва бекор қилишларини таъминласин.

23-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ушбу Қонуннинг 3 ва 12-моддалари ушбу Қонун қучга қирган кундан эътиборан ўн икки ой ўтгач амалга киритилади.

Ушбу Қонун 6-моддасининг 7-банди ушбу Қонун қучга қирган кундан эътиборан олти ой ўтгач амалга киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 23 сентябрь
№ УРҚ—411

Сиёсий партияларга сайловда иштирок этиш учун ижозат берилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу имзолар камида саккизта маъмурий-ҳудудий тузилма намояндаси бўлган сайловчиларни қамраб олган бўлиши керак. Маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида сиёсий партия имзолар умумий миқдорининг кўпи билан саккиз фоизини тўллаши мумкин.

Анжуманда журналистларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари тузилганлиги ҳақида ҳам маълум қилинди. Округ сайлов комиссияларининг 56,6 фоизи аввалги сайловларда амалий тажриба тўплаган, жамиятимизнинг обрўли вакиллари. Комиссия аъзоларининг 56 нафари, яъни 36,8 фоизи хотин-қизлардир, уларнинг 12 нафари эса сайлов комиссияларининг раҳбариятидан жой эгаллаган.

Таъкидланганидек, бутун сайлов кампанияси ошқоралик ва очиклик тамойиллари асосида олиб бориладиган. Шу мақсадда Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Миллий теле-радиокомпанияси, ЎЗА, «Жаҳон», «Uzgerot» ахборот агентликлари, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси билан икки томонлама битимлар имзолади.

Республика матбуот маркази фаолият кўрсатмоқда. Марказий сайлов комиссияси томонидан хорижий ва миллий оммавий ахборот воситаларининг қарийб 400 нафар вакили акредитациядан ўтказилди.

Шу билан бирга, Марказий сайлов комиссияси томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти ва Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси каби нуфузли халқаро тузилмаларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида кузатувчи сифатида иштирок этиш учун тақлифномалар юборилгани маълум қилинди.

Қобил ХИДИРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Саломатлик рейтингда Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари ўртасида биринчи ўринни эгаллади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«The Lancet» журнали тадқиқоти натижалари Ўзбекистон бўйича бошқа нуфузли халқаро институтлар томонидан берилган баҳоларни тўла тасдиқлайди. Шунинг эслатиб ўтиш ўринлики, Ўзбекистон жаҳондаги нуфузли ташкилот — «Save the children» («Болаларни асрайлик») халқаро муассасаси томонидан тузилган дунё рейтингда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ҳамўрлик кўрсатилган энг илгор ўн мамлакат қаторидан жой олган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ёрдамида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон «Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари» рейтингига 158 мамлакат орасида 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллаган.

Дарҳақиқат, «The Lancet» журнали

қайд этганидек, Ўзбекистоннинг ушбу юқори рейтингга мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар муваффақияти жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилганининг яна бир тасдиғи ҳисобланади.

«Жаҳон» АА.

Ички ишлар органлари мақомининг ҳуқуқий кафолати ва қонунийлик

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳасини ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёни тез ҳамда осон ҳал бўладиган вазифа эмас. Бу Конституцияимизда муҳрлаб қўйилган мақсадларимиз ва принципларни амалга ошириш йўлидаги зулмушиз давом этадиган, турмушимизни кундан-кунга фаровон, эркин ҳамда озод қиладиган жараёндир.

Шу маънода, ички ишлар органлари тўғрисидаги қонунни қабул қилиш кўнгинга омилар билан боғлиқ бўлиб, энг аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, қонун

устуворлигини таъминлаш, шунингдек, давлат ҳокимияти ҳамда бошқарувини янада демократлаштириш зарурати билан белгиланади.

Саккизта боб ва 49 та моддadan иборат ушбу Қонун ички ишлар органлари вазифаи ҳамда тузилишини, уларнинг мақсадларини, ҳуқуқлари ва ваколатларини, уларнинг ҳодимларига нисбатан эътибор, турмушимизни кундан-кунга фаровон, эркин ҳамда озод қиладиган жараёндир.

Қонунда ички ишлар органларининг асосий вазифалари, фаолият йўналишлари ва принциплари мустаҳкамлаб қўйилди. Ички ишлар органлари зиммасига фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари

ҳамда қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкисини, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқсизлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини амалга ошириш вазифалари юклатилди.

Қонунда ички ишлар органлари фаолиятининг асосий принциплари сифатида умуминсоний қадриятлар мустаҳкамланган. Қонунийлик, ягоналик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига ҳама қонуний манфаатларига ҳама риоя этиш ва ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ҳамда қонуний манфаатларини ҳурмат қилиш, очиклик ва шаффоқлик шулар жумласидан бўлиб,

улар аниқ юридик мазмун билан тўлдирилган. Қонунда халқаро ҳуқуқ нормаларига тўлиқ мос равишда ички ишлар органлари фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкисини ҳимоя қилиш, жиноятларнинг, бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш ҳамда уларни фож

ВАТАНИИ ШАРАФЛАШ САОДАТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Паралимпия ўйинларида кўлга киритган медалларимизни Ватанимиз мустақиллигининг йилгирима беш йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг хотирасига бағишлаймиз, — дейди Хусниддин Норбеков. — Биз, спортчилар Рио-де-Жанейро майдонларида Ўзбекистон ёшлари ҳеч қимдан кам эмаслигини ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини исботлай олганимиздан, эркин ҳамда обод Ватан фарзанди эканимиздан фарвланамиз. Гўзал ва бетакрор, муқаддас Ўзбекистонимиз учун жонимизни фидо қилишга тайёرمىз.

Бойрам АЙТМУРОВ,
ЎЗА муҳбири,
Муҳаммад АМИН олган сурат.

— Инсон ҳамда унинг меҳнати қадр топган юрдада яшаш энг улук бахт, халқаро майдонларда Ватанини шарафлаш, унинг обрўси юксалишига хисса қўшиш энг олий саодатдир, — дейди дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, «Жасorat» медали соҳибаси Севинч Салаева. — Ғалабамизни муносиб кутиб олган халқимиз, камтарона меҳнатимизни юксак баҳолаган давлатимиздан чексиз миннатдоримиз. Бу ҳаётимизнинг унутилмас, бахтиёр кунларига айланади. Мазкур катта ишонч янада юксак марралар сари рағбатлантиради ва қорлайди.

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини кафолатлашда муҳим ўрин тутаяди. Қонуннинг тўла маънода қучга кириши учун амалдаги бир қатор қонун ости ҳужжатларини унинг нормаларига мувофиқлаштириш нуқтаи назаридан қайта қўриб чиқиш зарур. Шу боис мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг қучга кириши учун олти ойлик муддат белгиланди.

Умуман олганда, ушбу Қонуннинг амалда татбиқ этилиши ички ишлар органлари мақоми ҳамда нуфузини мустаҳкамлашга, улар фаолиятида қонунийлиқни таъминлашга, шунингдек, ҳодимларнинг ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни ижро этиш бўйича маъсулятини оширишга хизмат қилади.

Раҳимжон ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Халқ сўзи

Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 967. 75 912 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — О. Файзиёв.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Газетимиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди.

Рекама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.50 Топширилди — 22.55 1 2 3 4 5 6